

ИСЛОМИЙ МИКРОМОЛИЯЛАШТИРИШ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Маматкулов Хумоюн Бобир ўгли
Ўзбекистон Республикаси банк
молия академияси тингловчиси

Аннотатсия: Мазкур мақолада мамлакатимизда ислом молияси тармоғи асосида микромолиялаштириш фаолияти тизимини ташкил этиш ва унинг истиқболлари масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Ислом молияси, микромолиялаштириш ташкилоти, соф фойда, ижара, мурабаҳа.

Исломий молия тармоғи бугунги кунда жаҳонда жадал ривожланиб бораётган ва инновацион молиялаштириш механизмларини ўзида жамлаган соҳалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ИХТ ТИВ кенгаши 43-сессияси очилиш маросимида сўзлаган нутқида «Ислом олами улкан иқтисодий, инвестицион салоҳият, энергетика ресурсларига эга. Улардан тўғри фойдаланиш, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг халқаро савдоиқтисодий, молиявий, инвестицион ҳамкорлигини кенгайтириш, мамлакатларимизни бирлаштирадиган транспорт йўлларини ташкил этиш юксак иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларига эришиш имконини беради ва бу пировард натижада бошқа барча соҳаларнинг ривожланишида асос бўлиб хизмат қилади»¹, – дея таъкидлаб ўтган эди.

Умуман олганда, ислом молиясининг ривожланишига бир қатор мусулмон давлатлари аҳолиси орасида мазкур тизимга бўлган юқори талаб ва қулай иқтисодий вазият туртки бўлди дейиш мумкин. Мисол учун, Форс кўрфазидаги табиий бойликлари (асосан нефть) бисёр бўлган мамлакатлар даромадининг кескин ўсиши давлат бюджетлари билан бир қаторда компаниялар ва оддий аҳолининг бойишига замин яратди. Шу билан бирга, Форс кўрфази мамлакатлари соҳанинг паст-баландини яхши тушуниб етмагани сабабли эндигина ўсиб келаётган ислом молиясига нисбатан биров эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишди. Шу боис, банклар классик исломий шартномалар билан (*албатта муайян даражада замонавийлаштирган ҳолда*) чекланди. Бунда мол-мулкни гаровга қўйиш асосида амалга оширилувчи мурабаҳа шартномаси асосий

¹ Шавкат Мирзиёевнинг ИХТ ТИВК 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи 18.10.2016

шартнома турига айланди. Бунинг сабаби унинг анъанавий кредит амалиётига ўхшашлиги ва амалга оширишнинг нисбатан жўнлиги бўлди.

Яна бир янгилик — ислом молияси соҳасида инглиз тили кенг қўлланиши бўлди. Умуман олганда, ислом банклари учун молиявий бозорларнинг глобаллашуви шароитида инглиз тилининг жорий қилиниши оддий ҳол албатта. Бирок, бунгача битимларнинг шариат нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши, маъқулланиши ва назорат қилиниши фақат араб тилида (айниқса Форс кўрфази давлатларида) амалга оширилган. Банкларнинг шаръий кенгашлари аъзолари бўлган ислом ҳуқуқшуносларининг аксарияти инглиз тилини билмаслиги банкчилар ва шаръий кенгашлар ўртасидаги мулоқотни анчагина мураккаблаштирди. Шу боис, шаръий кенгашлар аъзолари тегишли ҳужжат ва шартномаларни батафсил ўрганиш ўрнига ислом банклари ходимлари ёки маслаҳатчилар томонидан тайёрланган умумлаштирувчи қисқача маълумотларни кўриб чиқарди, холос. Табиийки, бундай умумлаштирувчи маълумотлар ҳужжатни шаръий жиҳатдан тўлиқ баҳолаш ва маҳсулотларни тўғри шакллантириш учун зарур бўлган барча жараён, кўрсаткич ва омилларни тўлиқ ва батафсил қамраб олиш имкониятини бермайди. Албатта бунинг оқибатида асл маъно буткул ёки қисман йўқолади ва натижа ҳам шунга яраша бўлади. Мазкур ҳолат ҳозирги кунга қадар ислом молияси ривожланиш суръатларини бирмунча секинлаштириб келмоқда.

Ислом микромолия институтлари улуши ва аҳамиятининг юксалиши. Бугунги кунда ислом молиясининг учдан икки қисми ислом банкларида жамланган. Эҳтимолий миқозларнинг барқарор ва етарли даражадаги даромади йўқлиги, гаровга қўйиш учун мулк ва кредит тарихи мавжуд эмаслиги, лойиҳалар ва тадбиркорлик фаолиятининг хатар даражаси юқорилиги ҳамда бошқа сабаблар туфайли аксарият мусулмон давлатларидаги аҳоли ва кичик бизнеснинг катта қисми ислом банклари хизматидан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Ислом микромолия ташкилотлари аҳолининг ижтимоий ҳимояга энг муҳтож қатламлари билан ишлаш учун барча керакли воситаларга эга бўлса-да, бу имкониятдан амалда деярли фойдаланилмайди. Шундай экан, улкан ижтимоий қатламлар қашшоқликнинг боши берк кўчасидан чиқа олмаяпти. Устига-устак, бу каби муассасаларнинг ислом молияси тизимидаги улуши ва аҳамияти жуда кичкина. Айти пайтда, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларининг эҳтиёжларини молиялаштириш ва қашшоқлик даражасини камайтириш учун қарзи ҳасана, закот, вақф ҳамда замонавий молия усуллари (финтек) каби воситалардан фойдаланишнинг катта имкониятлари мавжуд.

Шу маънода, ҳақиқатан ҳам, ислом микромолия муассасалари аҳамиятини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ва кичик бизнеснинг

эҳтиёжлари ҳамда тўлов қобилиятига мос келувчи молия маҳсулотлари яратиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва ижтимоий молиялаштириш усулларида фойдаланиш кўплаб мамлакатларда кузатилаётган оммавий қашшоқликни енгиш ва аҳолининг катта қатламини молиявий-иқтисодий жараёнга жалб қилиш ва шу орқали, иқтисодий фаолликни жадаллаштириш ҳамда соғлом иқтисодий ўсиш учун зарур шароитлар яратишга қодир.

Ислом молияси жаҳон молия инқирозини нисбатан муваффақиятли тарзда енгиб ўтиб, ўзининг тизимли хатарларга нисбатан барқарорлигини, дунёвий ҳуқуқ муҳида яшовчанлиги ва мослашувчанлигини исботлади ва умумий иқтисодий ўсишга сезиларли ҳисса қўшиб келмоқда. Бунда у, ўз диний эътиқодларига асосланган ҳолда ислом молиясига мурожаат қилаётганлар учун ҳам, бу тизим орқали ўз молиявий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришни ният қилаётганлар учун ҳам имкониятлар тақдим этмоқда.

Исломий молиялаштириш Ўзбекистон иқтисодиёти учун янги йўналиш бўлиб, унга бизнес тарафдан ҳам, аҳоли томонидан ҳам эҳтиёж мавжуд. Муқобил молиялаштириш маҳсулотларининг пайдо бўлиши аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланишга бўлган имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради. Лекин мавжуд кутишлар исломий молиялаштириш соҳасида эҳтимолий миқдорларнинг тажрибаси ва билими йўқлиги сабабли ҳамда банк ва молиявий қонунчиликнинг етарли даражада такомиллашмагани боис, жиддий тарзда бузиб кўрсатилиши мумкин. Мусулмон мамлакатларда шариат меъёрларининг бир хилда талқин этилмаслиги, исломий молиялаштириш соҳасида малакали мутахассисларнинг етишмовчилиги шароитида исломий молиявий маҳсулотларни тартибга солиш билан боғлиқ хатарлар ҳам мавжуд.

АССА мутахассислари ислом молиясини муқобил молия тизими сифатида кўрибгина қолмай, 2008 йилда бўлган молиявий инқирозга ўхшаш инқирозларни олдини олишда қўл келишини ҳам тан олади. Ушбу тизим бугунги кунда яна вужудга келиши тахмин қилинаётган янги инқирозга ечим ўлароқ кўрилади. Аммо уларнинг фикрича, шаръий молия тизими ривожланиши учун ҳали кўп ишлар қилиниши керак².

Глобаллашув ва жаҳонда кетаётган инновацион ўзгаришлардан орта қолмаслик мақсадида Ўзбекистон ҳукумати исломий молия ёки шерикчиликка асосланган банкинг саноатини ривожлантириш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқиши тавсия этилади. Ушбу йўл харитаси мавжуд қонунчиликни (банк фаолияти, солиқ, қимматли қоғозларга доир қонунчиликка кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш) такомиллаштириш, тарғибот ишларини олиб бориш, исломий молия инфратузилмасини ривожлантириш, халқаро ҳамкорликни ва давлат секторини ривожлантириш, исломий молия хизматлари бозорини ривожлантириш, илмий-ўқув ишларини олиб бориш ва инвесторлар билан ишлашни ўз ичига олиши лозим. Шу билан бирга ҳар бир бажариладиган тадбир бўйича масъул идора ва муддат белгиланиши мақсадга мувофиқдир

² Олмос Абдумаликов GlobalHalal.uz сайти журналисти 26.01.2023

Албатта, ҳар қандай соҳада бўлгани каби, алдов, фирибгарлик ёки молиявий ҳисоб китобларда йўл қўйилган хатолар сукукни ҳам хатардан холи қилмайди. Шу сабабли ҳар қандай молиявий амалиёт доимо пухта ҳисоб-китоб ва қайта-қайта текширув асосида олиб борилиши керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ислом молияси соҳаси олдида турган бошқа қатор муаммоларни ҳам санаб ўтиш мумкин, негаки «мураккаблик ва муаммолар» ҳар қандай тизимга хос. Муаммоларни англаб етиш ва тан олиш самарали ечимлар топиш йўлида бошланғич нуқта ҳисобланади. Бу эса тизимнинг ўзи ва унинг барча «таркибий қисмларини» соғломлаштиради. Агар соҳа вакиллари юқорида айтиб ўтилган муаммоларнинг ҳеч бўлмаса бир қисмини ҳал қилишса ҳам, бу - тизимнинг ривожланиши ва юксалишида улкан қадам бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шавкат Мирзиёевнинг ИХТ ТИВК 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи 18.10.2016
2. Е.А. Байдаулет. “Ислом молия асослари”, “Ўзбекистон” Тошкени 2019й. 34-бет
3. Олмос Абдумаликов **GlobalHalal.uz** сайти журналисти 26.01.2023